

MAY 19

2023



SamGMU

BIOETHICS AND MEDICAL LAW

International Conference

Google Scholar indexed

CYBERLENINKA

Google
scholar



TASHKENT STATE DENTAL
INSTITUTE
www.tsd.edu.uz

TASHKENT MEDICAL
ACADEMY
www.tma.edu.uz

SAMARKAND STATE MEDICAL
UNIVERSITY
sammu.edu.uz

ФОЛЬКЛОР ВА ЭТНОГРАФИЯДА ХАЛФАЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

Гузал Раззакова

Чирчиқ давлат педагогика университети Гуманитар фанлар факультети

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қадимда яшаб ўтган турли халқлар маданияти ва санъати ҳақида ҳамда уларнинг фарқи ва шакллари ҳақида маълумот беради. Халфачилик санъати турлари ва уларнинг ижоди, усуллари ҳақида, улар қўллайдиган мусиқа асбоблари ҳақида фикр билдиради.

Калит сўзлар – халфа, халфачилик санъати, якка халфалар, ансамбли халфалар, қўл соз, доирачи, оғзаки, ёзм анъана.

ХАЛАФСКИЕ ТРАДИЦИИ В ФОЛЬКЛОРЕ И ЭТНОГРАФИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены сведения о культуре и искусстве различных древних народов, их различиях и формах. Дает мнение о видах искусства халфальчиков и их творчестве, методах и используемых ими музыкальных инструментах.

Ключевые слова - халфа, искусство халфы, отдельные халфы, ансамблевые халфы, почерк, круг, устная, письменная традиция.

КИРИШ

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди ниҳоятда хилма-хил бўлиб, жанрий таркиби жиҳатидан ранг-барангдир. Шу боис унинг ижодкорлари ва ижрочилари ҳам турли номлар билан талади. Масалан, Хоразмда халқ қўшиқлари ва эпик асарларни, улардан олинган парчалар ва айрим термаларни куйловчи ижодкорларни халфалар деб юритилади. Халфачилик – Хоразм воҳасида кенг тарқалган маҳаллий оғзаки ижод намуналарини маромига етказиб, ижро этувчи аёллар санъати.

Халфачилик санъати икки турга бўлинади: *ансамбли халфалар* (халфа ёдоғи, сози ва раққоса) ва *якка халфалар* (халфа китобий). Ансамбли халфалар уч кишидан иборат бўлиб, *устоз халфа* (айни вақтда гармон (XIX асрда рус гармони Хоразмда

тарқалиб, оммалашиб кетган ва уни “қўл соз” дейилади) чалади ва қўшиқ айтади), *доирачи* (қўшиқларга жўр бўлади, баъзан рақс тушади) ва *ўйинчилар* (рақс тушади, қайроқ билан ўйнайди, етакчи халфага қўшилиб, қўшиқ ҳам айтади, баъзан доира ҳам чалади) бирлашиб, жамоани ташкил этади. “Халфа ёдоғий” тўй қўшиқлари, лапар ва яллалар айтса, “халфа дostonчи” халқ дostonларини, улардан олинган парчалар ва дoston терма-қўшиқларини, биргаликда ўзлари яратган ёки бошқа ижодкорлар асарларини ижро этадилар. Якка халфалар дoston, шеърларни ва термаларни чолғусиз ижро этадилар. Улар дostonларни ёддан – оғзаки ёки ёзма анъанада, турли мавзудаги китобдан ёқимли оҳангда ўқийдилар.

Тадқиқот методологияси. Даставвал фольклор фанининг этнография билан ўзаро принципиал алоқалари масалаларига доир ёндашувлар фольклоршунослар К.В. Чистов¹ ва Б.Н. Путилов² асарларида илмий тадқиқ этилган. Этнография ва фольклор фанларининг ўзаро алоқадорлиги хусусиятларига К.В. Чистов қуйидагича таъриф берган: “Биз фольклорнинг мустақилликка бўлган ҳуқуқига шубҳа қилиш ниятимиз йўқ. У жуда кенг ва равшан мавзуга эга, аммо бу унинг энг яқин “қўшнилари” ва “қариндошлари” - этнография ва филология соҳасидаги асосий муносабатини ўзгартирмайди. Фольклоршуносликнинг асосий хусусияти - филология ва этнография фанлари билан бир вақтнинг ўзида боғлиқдир, чунки ҳар бир фольклор ҳодисаси бир вақтнинг ўзида ҳам “халқ ҳаёти” ҳам “оғзаки ижодкорлик” фактидир”³

Этнография фани ҳар бир халқнинг моддий ва маънавий маданияти билан боғлиқ аспектларни тадқиқ этишдан иборатдир. Бундан ташқари, совет даврида этнография фани ўз таракқиётининг маълум бир босқичларида асосий ўрганиш объекти – “этнос”⁴ тушунчаси мазмунидан биров четлашиб, антропология фани таркибидаги янги тушунча сифатида намоён бўлган. Шунингдек, антропологиянинг асосий тадқиқот усулини ҳам англаган.

¹ Чистов К. В. Севернорусские причитания как источник для изучения крестьянской семьи X IX века. - В кн.: Фольклор и этнография: Связи фольклора с древними представлениями и обрядами... - С. 131-143.; Ўша муаллиф. Типологические проблемы изучения восточнославянского свадебного обряда. - В кн.: Проблемы типологии в этнографии / АН СССР, Ин-т этнографии... - С. 223-230.

² Путилов, Б.Н. Фольклор и этнография Русского Севера... - 280 с; Ўша муаллиф. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора... - 244 с; Ўша муаллиф. Героический эпос и действительность. - Л.: «Наука», 1988. - 233 с.

³ Чистов К.В. Фольклор и этнография // Фольклор и этнография. - С. 4.

⁴ Тишков В.А. Очерки теории и политики этничности в России / В.А. Тишков. - М.: Русский мир, 1997. - 532 с; Ўша муаллиф. Идентичность и культурные границы. Идентичность и конфликт в постсоветских государствах / В.А. Тишков. - М.: Московский центр Карнеги, 1997. - 488 с; Тишков В.А., Шабаев Ю.П. Этнополитология: политические функции этничности: учебник для вузов / В.А. Тишков, Ю.П. Шабаев. - М.: Издательство МГУ, 2011. - 376 с. Тишков В.А., Шнирельман В.А. Этничность и религия в социальных конфликтах. - М.: Наука, 2012. - 260 с.



Халфалар маҳаллий халқнинг барча тўй-ҳашамларида, турли маросимларда, аёллар йиғинлари ва байрамларда иштирок этадилар, тўй ва ва бошқа маросимларда иштирок этиб, баъзи ҳолларда уни бошқарадилар, жумладан, никоҳ тўйларини “Тўй муборак” ёки “Тўй бошлови” кўшиқлари билан очиб берадилар ҳамда “Тўй жавоби” билан яқунлайдилар. Воҳа халфалари орасида *хониш қилиш, куйларни моҳирона ижро этиш, газалларни куйга солиб ўқиш, тингловчиларни ром қилиш, бадихагўйлик* халфачиликнинг ўзига хос локал хусусиятларидан ҳисобланади. Халфачилик жозибали ва навқирон аёллар санъати сифатида Хоразм воҳаси (ҳозирги кунда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани)да ҳозирги кунгача кенг давом этиб келмоқда. Халфачилик намояндаларидан Биби шоира, Ожиза, Хонимжон, Онажон Сафарова, Назира Собирова, Розия Матниёз кизи, Саодат Худойбергана, Пошшо Саидмамат кизи, Амбаржон Рўзиметова, Аноржон Раззоқова ва бошқа халфалар воҳа анъанавий халфачилигига ўзини ҳиссасини қўшганлардан ҳисобланади.

Халфачилик нафақат анъанавий “устоз-шогирд”, балки замонавий Хива мусиқа мактаблари, Урганч ва Эллиққалъа туманлари санъат коллежлари, жумладан, Хивада ташкил этилган “Халфа” қизлар мактаби орқали ўзлаштирилмоқда. Шунингдек, халфа ижрочилари танлови Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманида “Нафосат бўстони маним” номли фестивали доирасида (2013 йилдан) ўтказилмоқда. Хоразмлик халфалар ўз санъати ва ижрочилик маҳоратларини “Бойсун баҳори” Очиқ фольклор фестивали, “Асрлар садоси” Анъанавий маданият фестивали ва “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивалларида намоёниш этиб келмоқдалар. Халфачилик санъати фестивали анъанавий тарзда Хива шаҳрида ўтказилиб келинмоқда.

Ўз ўрнида шуни алоҳида қайд этиш керакки, халфачилик кўшиқчилик санъатидан алоҳида тур ҳисобланса-да, бироқ, у бевосита кўшиқчилик билан уйғунлашиб кетади. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, қадимги кўшиқчилик санъати жанрлари ва шакллари ранг-баранг бўлиб, улар ижтимоий турмуш, халқ анъаналари ҳамда маросимлари билан бевосита боғлиқ ҳолда, асосан мадҳиялар, аллалар, йиғи, ҳарбий чақириқлар, ибодат кўшиқлари, тантаналар, шунингдек, байрам кўшиқлари тарзида намоён бўлган⁵.

Таҳлил ва натижалар. ини тадқиқ қилишдан иборат эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

⁵ Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. – Б. 8.



“Фольклор” атамаси *инглизча* (folk) ва (lore) – “донолик” сўзларидан ясалган бўлиб, “*халқ донолиги*”, “*халқ донишмандлиги*” маъноларини англатади. Мазкур атама биринчи марта 1846 йилда Вильям Томас томонидан илгари сурилган. Шундан бошлаб ушбу термин халқаро миқёсда илмий муомалада кенг тарқалди. Шунга қарамай, Англия ва АҚШда ушбу атама кенг маънода халқ ижодиётининг барча соҳалари – халқ поэзияси, насри, мусиқаси, рақс, рассомлик, ўймакорлик, диний эътиқод ва урф-одатларини ифодаласа, собиқ Совет Иттифоқи даврида асосан, сўз санъати ҳамда халқ оғзаки поэтик ижоди тушунчасини ўзида акс эттирган.

Айниқса, ўзбек миллий мусиқа санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланишини унинг дастлабки босқичлари яъни, миллатнинг турли даврлардаги тарихида ҳам кўриш мумкин. Қолаверса, бошқа халқларда бўлгани каби ўзбек мусиқа маданияти ҳам турли миллий оҳанглар нота ёзуви ёки шунга ўхшаш мусиқий белги билан ифодалана бошлаганига қадар катта тарихий йўлни босиб ўтган⁶. “Халқ мусиқаси” тушунчаси “мусиқа фольклори”, халқ амалий санъатининг бошқа турлари, чунончи, ўймакорлик (ёғоч, ганч ва мис ўймакорлиги), кулолчилик, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик сингарилар халқ амалий санъати атамалари билан ифодаланади. Халқ рақси санъати хореография (грекча, choreuo-хор жўрлигида рақсга тушмоқ ва grapho-рақс ҳаракатларини махсус белгиларда ёзиб олмақ) деб юритилади⁷.

Хулоса.

Ўзбек халқининг фольклор жанрлари жуда хилма-хилдир. Қолаверса, Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос фольклорига эга бўлиб, вилоятларнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигидан дараку беради. Жумладан, Хоразм воҳасининг этник жойлашуви, дунқараши, санъатсеварлиги ва урф-одатига қараб фольклор жанрлари ҳамда услублари турличадир. Шунининг олган ҳолда бугунги кунда олдимизда турган вазифа мавзунинг этнографик жиҳатидан ўрганиб, унинг фольклоршунослик ва этнологиядаги назарий жиҳатлар

REFERENCES

1. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. - Б. 8.
2. Имомов Қ., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Халқ поэтик асарлари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990. - Б. 4.

⁶ Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи... – Б. 8.

⁷ Имомов Қ., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. - Б. 4.



3. Чистов К. В. Шимолий рус марсиялари Х ИХ аср деҳқон оиласини ўрганиш учун манба сифатида. - Китобда: Фолклор ва этнография: Халқ оғзаки ижодининг қадимий ғоялар ва маросимлар билан алоқалари ... - С. 131-143 .; Ўша муаллиф. Шарқий славян никоҳ маросимини ўрганишнинг типологик муаммолари. - Китобда: Етнографияда типология муаммолари / СССР Фанлар академияси, Етнография институти ... - С. 223-230.
4. Путилов, Б.Н. Россия шимолидаги фолклор ва этнография ... - 280 п.; Ўша муаллиф. Халқ оғзаки ижодини қиёсий-тарихий ўрганиш методикаси... – 244 б.; Ўша муаллиф. Қаҳрамонлик епоси ва воқелик. - Л.: "Наука", 1988. - 233 б.
5. Чистов К.В. Фолклор ва этнография // Фолклор ва этнография. - 4-бет.
6. Тишков В.А. Россияда етник миллат назарияси ва сиёсати бўйича иншолар / В.А. Тишков. - М.: Рус дунёси, 1997. -532 с; Ўша муаллиф. Ўзига хослик ва маданий чегаралар. Поссовет давлатларидаги ўзига хослик ва можаролар / В.А. Тишков. - М.: Карнеги Москва маркази, 1997. - 488 б.; Тишков В.А., Шабает Ю.П. Етнополитология: етникликнинг сиёсий функциялари: университетлар учун дарслик / В.А. Тишков, Ю.П. Шабает. - М.: Москва давлат университети нашриёти, 2011. - 376 п. Тишков В.А., Шнирелман В.А. Ижтимоий можароларда етник ва дин. – М.: Наука, 2012. – 260 б.



CONTENTS | MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ

1. Arda, B. (2022). PRIVACY FROM THE MEDICAL ETHICS AND MEDICAL LAW POINTS OF VIEW. *Bioethics and Law*, 4(2), 8-9

2. Кубарь, О. И. (2023). БАЛАНС ЛИЧНОГО И ОБЩЕСТВЕННОГО В ЭТИЧЕСКОЙ ОЦЕНКЕ ВАКЦИНАЦИИ ОТ КОВИД-19. *Bioethics and Law*, 5(2), 10-12..

3. Абросимова, М. Ю. (2023). РЕФОРМА ПРЕПОДАВАНИЯ БИОЭТИКИ В СООТВЕТСТВИИ С «ПРОГРАММОЙ РАЗВИТИЯ «ПРИОРИТЕТ 2030» В КАЗАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ. *Bioethics and Law*, 5(2), 13-17.

4. Гурьлева, М. Э. (2023). СТАНДАРТИЗАЦИЯ В ОБЛАСТИ БИМЕДИЦИНСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ И ИХ ЭТИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ. *Bioethics and Law*, 5(2), 18-22.

5. Беляева, Е. В. (2023). РЕАЛИЗАЦИЯ ПРИНЦИПОВ БИОЭТИКИ В ЗАКОНЕ РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ О ЗДРАВООХРАНЕНИИ. *Bioethics and Law*, 5(2), 23-26.

6. Шок, Н. П., & Тарабрин, Р. Е. (2023). МЕТОДОЛОГИЯ ПРЕПОДАВАНИЯ КЕЙСОВ ПО КЛИНИЧЕСКОЙ БИОЭТИКЕ. *Bioethics and Law*, 5(2), 28-32.

7. Мухамедова, З. М. (2023). БИОЭТИКА И БИМЕДИЦИНСКОЕ ПРАВО-КАК ПРЕДМЕТ ФИЛОСОФСКО-ПРАВОВОГО ОСМЫСЛЕНИЯ. *Bioethics and Law*, 5(2), 33-41.

8. Павлова, В. В. (2023). ВОЗМОЖНОСТИ И ГРАНИЦЫ ПРАВОВОГО ПОДХОДА В БИМЕДИЦИНСКОЙ ЭТИКЕ. *Bioethics and Law*, 5(2), 42-46.

9. Смирнова, В. А. (2023). АНАЛИЗ ОТНОШЕНИЙ ВРАЧЕЙ И ПАЦИЕНТОВ-ЦЫГАН В ЗАРУБЕЖНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ. *Bioethics and Law*, 5(2), 47-55

10. Кудайбергенова, Т. А. (2023). ЭТИКО-ПРАВОВАЯ БАЗА БИМЕДИЦИНСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ В КЫРГЫЗСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ. *Bioethics and Law*, 5(2), 56-60.

11. Мухамедов, А. Р. (2023). РАЗВИТИЕ МЕДИЦИНСКОГО ПРАВА В СВЕТЕ НОВОЙ РЕДАКЦИИ КОНСТИТУЦИИ УЗБЕКИСТАНА. *Bioethics and Law*, 5(2), 61-67.

12. Norqulov, S. D. (2023). O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH TIZIMIVA BIOETIKA: MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR. *Bioethics and Law*, 5(2), 68-73.

13. Umirzakova, N. A. (2023). LEGAL BASIS FOR INSTITUTIONALIZATION OF BIOETHICS IN HEALTH CARE IN UZBEKISTAN. *Bioethics and Law*, 5(2), 74-78.

14. Махмудова, А. Н. (2023). ОСНОВЫ КОНЦЕПЦИИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И ОБЯЗАННОСТИ ВРАЧЕЙ И ПАЦИЕНТОВ. *Bioethics and Law*, 5(2), 79-86.

15. Мухамедова, З. М. (2023). АКТУАЛЬНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО КОНТЕКСТА БИОЭТИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Bioethics and Law*, 5(2), 87-96.

16. Атамуратова, Ф. С. (2023). СОҒЛИҚНИ САҚЛАШДА “АДОЛАТ” ТУШУНЧАСИ. *Bioethics and Law*, 5(2), 97-101.

17. Исахова, Ш. М. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЁТ ВА БИОЭТИКА РИВОЖИНИНГ ОМИЛЛАРИ, ҚОНУНИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ. *Bioethics and Law*, 5(2), 102-106.

18. Niyozova, N. S. (2023). BIOETIKA VA TIBBIYOT HUQUQI TA'LIMINING USLUBIY TAMOYILLARI. *Bioethics and Law*, 5(2), 110-113.



CONTENTS | MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ

- 19.** Исламов, Ш. Э., Норжигитов, А. М., & Нормухаматов, И. З. (2023). ПРАВА ПАЦИЕНТА ПРИ ПРОВЕДЕНИИ МЕДИЦИНСКИХ ЭКСПЕРИМЕНТОВ. *Bioethics and Law*, 5(2), 107-109.
- 20.** Ёрова, С. К., & Гарима, А. (2023). КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ МЕДИКА В СПЕЦИАЛЬНОЙ (ПРАКТИЧЕСКОЙ) СФЕРЕ. *Bioethics and Law*, 5(2), 114-118.
- 21.** Бобоназаров, С. Д., Исламов, Ш. Э., & Махматмурадова, Н. Н. (2023). ПРОБЛЕМА ЭТИЧЕСКИХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ МЕДИЦИНСКИМ РАБОТНИКОМ И ПАЦИЕНТОМ. *Bioethics and Law*, 5(2), 119-122.
- 22.** Умарова, Д. А. (2023). ПАЛЛИАТИВНАЯ ПОМОЩЬ С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ И БИОПРАВА. *Bioethics and Law*, 5(2), 123-127
- 23.** Умирзакова, Н. А., & Инагамова, С. Д. (2023). ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ БИОЭТИКИ В МЕДИЦИНЕ. *Bioethics and Law*, 5(2), 128-132.
- 24.** Набиев, Б. А.(2023). ПРАВО ГРАЖДАН НА ОХРАНУ ЗДОРОВЬЯ И СПРАВЕДЛИВОЕ ТРАНСГРАНИЧНОЕ ВОДОПОЛЬЗОВАНИЕ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ. *Bioethics and Law*, 5(2), 133-137.
- 25.** Махматмурадова, Н. Н., Нормухаматов, И. З., & Рахманов, Х. А. (2023). ЭТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ КЛИНИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ПРИ НЕСПЕЦИФИЧЕСКОЙ ИНТЕРСТИЦИАЛЬНОЙ ПНЕВМОНИИ. *Bioethics and Law*, 5(2), 138-141.
- 26.** Бекчанова, К., & Атамуратова, Ф. С. (2023). ОСОБЕННОСТИ БИМЕДИЦИНСКОГО ПРИНЦИПА - УВАЖЕНИЕ АВТОНОМИИ ЛИЧНОСТИ В ПСИХИАТРИИ. *Bioethics and Law*, 5(2), 142-148.
- 27.** Камариддинзода, М. К. (2023). ЭТИЧЕСКИЕ ПРАВИЛА И МОДЕЛИ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ ВРАЧА И ПАЦИЕНТА. *Bioethics and Law*, 5(2), 149-153.
- 28.** Ибрагимова, С. Э. (2023). МЕДИЦИНСКАЯ ЭТИКА И МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ УГОЛОВНОГО ПРАВОСУДИЯ. *Bioethics and Law*, 5(2), 154-159.
- 29.** Махмудов, Z. M., & Qurbonova, Z. (2023). TIBBIYOT DEONTOLOGIYASINING “PEDIATRIYA” YO’NALISHIDA MUNIMLIGI. *Bioethics and Law*, 5(2), 160-163.
- 30.** Манкунян, О.Х., Отажонова, Х.И., Умрзакова, Н.А (2022). АСПЕКТЫ БИОЭТИКИ И ДЕОНТОЛОГИИ В ДЕТСКОЙ СТОМАТОЛОГИИ . *Bioethics and Law*, 4(2), 164-166
- 31.** Юлдашева С. Л. (2023). ХАЛҚ ТАБОБАТИ ТУШУНЧАСИГА ДОИР ФАЛСАФИЙ МУЛОҲАЗАЛАР *Bioethics and Law*, 5(2), 167-170
- 32.** Tursunbayev.F.A (2023). TIBBIYOT BILIMLARIDA FALSAFANING ROLI *Bioethics and Law*, 5(2), 171-175.
- 33.** Икромидинова, Р. У. (2023). МЕДИЦИНСКАЯ ДЕОНТОЛОГИЯ ВРАЧА И ПАЦИЕНТА . *Bioethics and Law*, 5(2), 176-179.
- 34.** Рахимова, Р. Х., Нурметов Б. М (2023). РОЛЬ МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ В РАЗВИТИИ ГЛОБАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ. СОЗДАНИЕ МУСУЛЬМАНСКИХ ГОСПИТАЛЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ *Bioethics and Law*, 5(2), 180-183.
- 35.** Зокиржонова, Ш.Б.(2023). ПРАВСТВЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ВРАЧОМ И ПАЦИЕНТОМ. *Bioethics and Law*, 5(2), 184-189.
- 36.** Г.Раззакова(2023). ФОЛЬКЛОР ВА ЭТНОГРАФИЯДА ХАЛФАЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ. *Bioethics and Law*, 5(2), 190-194.

